

Норқулов Немат,

Ўзбекистон Миллий университети физика факультети "Умумий физика" кафедраси доценти, физика-математика фанлари номзоди

Зикрилаев Нурулло Фатхуллаевич,

Тошкент давлат техника университети "Рақамли электроника ва микроэлектроника" кафедраси профессори, физика-математика фанлари доктори

Уракова Феруза Эркиновна,

Тошкент давлат техника университети "Рақамли электроника ва микроэлектроника" кафедраси стажёр-тадқиқотчиси

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ФИЗИКА ФАНИДАН МОДДАЛАРНИНГ МАГНИТ ХУСУСИЯТИНИ ЎРГАТИШ ДАРСИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

УЎК: 371.370.13

**НОРҚУЛОВ Н., ЗИКРИЛАЕВ Н.Ф., УРАКОВА Ф.Э. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА
ФИЗИКА ФАНИДАН МОДДАЛАРНИНГ МАГНИТ ХУСУСИЯТИНИ ЎРГАТИШ
ДАРСИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

Мақолада физика фанидан моддаларнинг магнит хусусиятлари ҳақида умумтаълим мактаблари ўқувчиларига кенгроқ тушунча бериш мақсадида дарс жараёнини ўтишда янги педагогик методларни қўллаган ҳолда ташкил этиш имкониятлари кўрсатиб берилди. Ўқувчиларга физика фанини ўқитишида уларнинг билим ва кўникмаларини юқори даражада шакллантиришда қандай манбалардан фойдаланиш бўйича таклифлар берилди. Дарс якунида ўқувчиларнинг мавзу бўйича шахсий фикр-мулоқазаларини тинглаб ўзаро муҳокама қилиш асосида уларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш таклиф этилди.

Таянч сўз ва атамалар: физикани ўқитиши, магнит хоссалари, модда, технология, мавҳум, ўқитувчи, ўқувчи, фан, педагогика.

НОРКУЛОВ Н., ЗИКРИЛЛАЕВ Н.Ф., УРАКОВА Ф.Э. ПРИМЕНЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ ПРИ ОБУЧЕНИИ НА УРОКЕ ФИЗИКИ МАГНИТНЫХ СВОЙСТВ ВЕЩЕСТВА

В статье показаны возможности организации учебного процесса с использованием новых педагогических методов при преподавании физике с целью дать учащимся средних школ более широкое представление о магнитных свойствах материалов. Учителям были даны предложения о том, какие методы использовать при обучении магнитные свойства вещества целью в глубоком уровне формирования их знаний и навыков. В конце урока выслушиваются личные мнения учащихся по теме и оценивается их усвоение урока на основе взаимного обсуждения.

Ключевые слова и понятия: преподавание физики, магнитные свойства, вещества, технология, аннотация, учитель, ученик, наука, педагогика.

NORKULOV N., ZIKRILLAYEV N.F., URAKOVA F.E. THE USE OF MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN GENERAL EDUCATION SCHOOLS IN TEACHING THE MAGNETIC PROPERTIES OF MATTER IN A PHYSICS LESSON

The article shows the possibilities of organizing the educational process using new pedagogical methods in teaching physics in order to give secondary school students a broader understanding of the magnetic properties of materials. Teachers were given suggestions on what methods to use when teaching the magnetic properties of matter to aim at a deep level of shaping their knowledge and skills. At the end of the lesson, students' personal opinions on the topic are heard and their assimilation is assessed on the basis of mutual discussion.

Key words and concepts: teaching physics, magnetic properties, substances, technology, abstract, teacher, student, science, pedagogy.

Кириш. Жорий йилнинг 28 январь ва 5 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишлари ўтказилди. Мамлакат келажаги, барча соҳалар ва лойиҳаларнинг муваффақияти билимли мутахассисларга боғлиқлиги ушбу видеоселекторларда бир неча бор таъкидланди.

Мамлакат келажаги, барча соҳалар ва лойиҳалар муваффақияти билимли инсонларга боғлиқ. Шу боис охирги тўрт йилда таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчилар мавқеини юксалтириш бўйича кўп ишлар қилинди. Энди мамлакатимиз янги даврга қадам қўймоқда. Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида тўртинчи устувор йўналиш айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган. Давлатимиз раҳбари бу ҳаёт-мамот масаласи эканини таъкидлайди: "Бу соҳадаги ислоҳотларни кечикиришга ҳаққимиз йўқ. Мактаб таълимида пойдеворни бугундан мустаҳкам қўйишимиш керак. Бунга барча эътиборимиз ва ресурсларимизни

сафарбар қиласиз. Қийин йўлни танляпмиз, лекин шу йўл муаммоларни ечади"¹.

Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 28 январда ўтказилган йиғилишда мактабларнинг моддий техникасини янгилаш ва таълим сифатини яхшилаш фақат Ҳалқ таълими вазирлигининг эмас, балки барча вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, илмий ташкилотлар, зиёлилар ва кенг жамоатчиликнинг вазифаси бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланди. Ҳозирги кунда фақатгина Президент мактаблари, ихтисослашган ва хусусий мактабларда илғор методикалар асосида дарсларни ташкил этиш йўлга қўйилганини, қолган мактабларда ўқитиш методикаси эскирганлигига қолаётганлиги ҳақида айтиб ўтилди. Замонавий таълим методларини қолган мактабларда ҳам жорий қилиш бўйича ташабbuslar умуман йўқлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбари мактаб таълими соҳасидаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йил 28 январь куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши - <https://xs.uz/uzkr/post/maktab-talimini-rivozhlantirish-bojicha-ustuvor-vazifalar-belgilandi>

ислоҳотлар жуда муҳим эканини айтиб, мутасадди раҳбарларга ҳалқаро ташкилотлар билан биргаликда таълим стратегиясини ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Шу асосда, мактаб таълим мини ривожлантириш дастури қабул қилиниши белгиланди¹.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, таълим ижтимоий соҳадаги устувор йўналиш деб белгиланди. Узлуксиз таълим тизимини жорий этишда, ҳар томонлама камол топган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаган ва пухта ўзлаштирган, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологияк-педагогик ва мустақил фикрлайдиган, жамият, давлат ва оила олдидаги ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ёшларни тарбиялаш талаблари қўйилди. Бу муаммоларнинг ечимиға фақатгина сифатли таълим орқалигина эришиш мумкинлиги ҳаммага маълум. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб мактабларда дарс ўтиш жараёнини янада сифатли ташкил этиш, янги педагогик методларни қўллаган ҳолда фанларни ўқитиш орқали ўқувчиларнинг билим ва савиясини юқори даражага кўтариш ҳар бир ўқитувчининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Бизнинг мақсадимиз таълим сифатини энг юқори даражага кўтаришdir. Лекин, мактабларда анъанавий усуслар асосида дарсларни ташкил этиш ўқувчиларнинг фанларни ўрганишларидағи қизиқишларига салбий таъсир қилиши мумкин. Ўқитувчилар олдига қўйилган вазифа, айниқса, физика фанини ўрганишнинг дастлабки босқичида ўқувчиларни фаннинг мавзуларини мураккаблиги билан қўрқитмасдан, аксинча, ўқувчиларда фанга нисбатан қизиқиш ўйғотишини талаб этади. Бунинг учун амалиётда ўқувчилар фаолиятини фаоллаштиришга асосланган педагогик технологияларни қўллаб, мактаб ўқувчиларига ўргатилаётган физик қонунларнинг аҳамияти ва универсаллигини тушунишларига, ижодий ва танқидий фикрлай олишларига, олган билимларини қаерда ва қандай қўллай олишларини билиш-

ларига имкон беради. Шу қунгача олиб борилган кўплаб педагогик тадқиқотларда, айниқса, физика фанидаги мавзуларни моҳиятини тушуниш анча мураккаб эканлиги аниқланган. Маълумки, мавзу моҳиятини ўқувчиларга тушунтириш кўпроқ мураккаб тушунчаларни ўз ичига олади. Замонавий таълимнинг мақсади мавжуд билимларни етказиш эмас, балки янги билимларни ўргатиш ва уларни фикрлай олишлари учун ўқувчиларда кўникмаларни шакллантиришdir.

Мавзуға оид адабиётларнинг таҳлили. Замонавий методларни қўллаб дарс ўтиш бўйича нафақат бизда балки хориж давлатларнинг таълим соҳасида ҳам жуда кўп илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, педагогикада маълум назария ва амалиётга асосланган ҳолда илмий холосалар қилинган. Тадқиқотларнинг (хорижлик мутахассислар Айкан ва Юму Ак. ва бошқалар)² илмий таҳлили асосида физика фанини ўқувчиларга тушуниш анча мураккаблиги аниқланган. Фанни янада тизимили ва самарали ўқитишда, фан дастури ва дарслклардаги мавзуларни жиддий ва кенг кўламда қайта кўриб чиқиш кераклиги исботланган (Боздоан ва Ёлчин томонидан кузатишларда)³. Демак физика фани кўпроқ тушуниш қийин бўлган тушунчаларни ўз ичига олади. Шу сабабли, физика фанини ўқувчиларга қандай қилиб самарали ўқитишни ташкил қилиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Сўнгги йилларда хорижлик ва республикадаги мутахассислар томонидан ушбу долзарб масала бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Умумий физика курси кўплаб фундаментал бўлим ва мавзулардан ташкил топган. Масалан: ҳаракат, динамика, атом ва ядро, электромагнит тўлқинлар, электр ва магнетизм, оптика ва бошқалар. Уларнинг ичида, айниқса, магнетизм бўйича ўқувчилар онгидаги мавзудаги тушунчаларни шакллантириш қийин ҳисобланади. Замонавий

² Ўрта мактаб ўқув дастурида физика мавзуларини тушуниш даражалари. Миллий эйтим дергиси 159-179.2003.

³ Бошланғич фанлар курси тажрибаларининг частотасини аниқлаш ва дуч келган муммалар. Gazi Universiteti Kir ehir Eitim Fakultesi dergisi 1:59-70.2004

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2022 йил 28 январь куни мактаб таълим мини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши - <https://xs.uz/uzkr/post/maktab-talimini-rivozhlanlantirish-bojicha-ustuvor-vazifalar-belgilandi>

тадқиқотлардан аниқланишича ҳозирги кунда дарс жараёни энг замонавий методлар асосида ташкиллаштириш ўқувчиларни олган билимларини нафақат ишлаб чиқаришда, балки, кундалик ҳаётларида хам бемалол фойдалана олишларига катта ёрдам беради.

Тадқиқотнинг мақсади. Мактабларда физика фанини ўқитишда ўрта асрда биринчи ва иккинчи Ренессанс даврларида буюк олимлар ва мутафаккирларнинг физика фанини ривожига қўшган улкан хизматларини ўқувчиларга дарс давомида етказиш.

Тадқиқотнинг объекти. Абу Райхон Берунийнинг физика соҳасига оид илмий меросини ўрганиб, мактабларда физикани ўқитиш фан дастуридаги мавзуларга қўшимча сифатида киритиш ҳамда ўқувчиларнинг мустақил таълимда ўрганишларига имконият яратиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мактабда физика фанини ўтилган мавзуларда ўқувчиларда шаклланган назарий билимларини содда тажрибалар ва муҳокамалар асосида чуқурлаштириш ва амалиёт дарсларида ўтмишда яшаб ижод қилган Ўрта Осиёлик олимларнинг жаҳон илм-фанини ривожига қўшган улкан мероси билан ўқувчиларни таништириб бориш. Дарс давомида ва мустақил таълимда (фан тўғаракларида) ўқувчиларга ватандошларимиз буюк олимлар ва мутафаккирларнинг дунё цивилизациясига қўшган улкан илмий мерослари ҳақида дастлабки маълумотларни етказиш билан бирга, уларда илмга қизиқишиларининг шаклланишига ҳамда буюк аждодларини нафақат физика балки барча фанларни ривожига қўшган илмий ҳиссалари ҳақидаги тасаввурларини шакллантиради.

Тадқиқот методологияси.

Таълимнинг асосий мазмуни унинг вазифаларида ойдинлашади. Асосий вазифаларга ақлий тарбия билан боғлиқ бўлган педагогик методлар киради. Бу вазифалар ичида илмий ва техникавий билимлар ҳамда улар билан боғлиқ бўлган малака ва кўникмаларни ўқувчилар онгода шакллантириш, аждодларимиз қолдирган улкан илмий мерос ҳамда тарихий ва маданий қадриятларда ҳаётнинг маъноси, жамиятда инсоннинг тутган ўрни, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ ҳақидаги ҳикматли фикрлар, бугунги халқ таълимининг

тараққиётини билиш янгидан шакланаётган миллий таълим тизимини яратишга хизмат қиласди. Буларсиз, ўқувчиларда инсонпарварлик, поклик, иймон-эътиқод, муруват, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллатлараро дўстлик муносабатлари, қаҳрамонлик, мардлик, бағрикенглик каби туйғуларни шакллантириб бўлмайди.

Ҳозирги кунда умумтаълим мактаб ўқувчилари учун физика фанидан қабул қилинган янги ўқув дастурда Ўрта асрда яшаган ўрта осиёлик олимларнинг физика фанига оид ишларини ўқувчиларга яқиндан таништириб боришга ҳаракат қилинган. Шу сабабли, VI-VIII синф физика дарсликлирида жуда кўплаб соҳаларда илмий изланишлари асосида юқори натижаларга эришган улуғ аллома, энциклопедист улуғ олим Абу Райхон Берунийнинг физика соҳасидаги илмий ишлари ҳақида қимматли, лекин қисқа маълумотлар келтирилган¹.

Бизнинг мақсадимиз, Берунийнинг физика фанига оид ишларини ишончли манбалардан ажратиб олиб, улардаги маълумотларни физика фанини ўқитишда ҳозирдаги мавжуд замонавий маълумотлар билан таққослаган ҳолда атама ва формуласалар орқали яқол ифодалаб, янада содда ва тушунарли усувлар орқали дарс жараёнида ва дарсдан ташқари қўшимча машғулотларда ўқувчиларга етказиб, уларнинг билим савиясини оширишdir.

Таълим тизимида мураккаб фан мавзулари ва мавҳум тушунчаларни ўқувчиларга самарали ўргатиш ва илмий кўникмаларни шакллантириш зарурати кундан-кунга ортиб бормоқда. Ўқувчилар кўпинча фандаги мавҳум тушунчаларни ўзлаштиришларида маълум қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Масалан, магнетизм мавзусини ўқувчиларга ўргатиш қийин бўлган нисбатан мавҳум физик мавзудир. Агар ўқувчилар магнитланиш билан боғлиқ бўлган тушунчаларни мавҳум эмас, балки кундалик ҳаётда қўлланиладиган аниқ тушунчалар эканлигига ишонч ҳосил қилсалар, ўқувчиларнинг физика фанига бўлган қизиқишиларни янада ортади.

Таълим тизимида мураккаб фан мавзулари ва мавҳум тушунчаларни ўқувчиларга самарали ўргатиш ва илмий кўникмаларни шакллантириш зарурати кундан-кунга ортиб бормоқда. Ўқувчилар кўпинча фандаги мавҳум тушунчаларни ўзлаштиришларида маълум қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Масалан, магнетизм мавзусини ўқувчиларга ўргатиш қийин бўлган нисбатан мавҳум физик мавзудир. Агар ўқувчилар магнитланиш билан боғлиқ бўлган тушунчаларни мавҳум эмас, балки кундалик ҳаётда қўлланиладиган аниқ тушунчалар эканлигига ишонч ҳосил қилсалар, ўқувчиларнинг физика фанига бўлган қизиқишиларни янада ортади.

¹ Усмонов Т. Физика VI-IX (синфлар учун дарсликка қўшимча) Астрономия-9 (коинот физикаси). - Тошкент 2002, 27-28 б.

Магнетизмни ўргатишда кўпинча анъанавий усулдан фойдаланилади. Лекин бу усулларни унчалик ҳам самарали деб бўлмайди. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга магнетизм ҳақида оғзаки тушунча беради ва ўқувчиларга турли мисолларни келтиради. Бу усуллар ҳозирги кунда самараасиз эканлиги исботланди. Чунки, ўтилаётган мавзу бўйича ўқувчиларда мавҳум тушунчаларга жавоблар шаклланмай қолаверади. Бу ўқувчиларнинг онгода тушунарсиз фикрларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида ўқитувчи кўзлаган мақсадига эриша олмайди. Аслида ўқитувчи дарс жараёнида шунчаки маълумот берувчи бўлмаслиги керак.

Умумтаълим мактабларида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун ўқитувчилар ўз касбий соҳаларидағи билимларни мустаҳкам эгаллашларидан ташқари, замонавий педагогик технологиялар ва ўқитиш методларининг хусусиятларини чуқур эгаллаган, дарс машғулотларида улардан самарали фойдаланиш қоидаларини биладиган бўлишлари керак.

Ҳозирги кунда физика фанини ўқитишида турли хил педагогик методлардан кенг фойдаланиш мақсад қилиб олинган¹. Ўқитувчилар физика фанини ўтишда янги методлардан фойдаланишлари фаннинг қизиқарли ва тушунарли бўлишига олиб келади. Шунуктаи назардан магнетизм мавзусини ўтишда тажрибаларни намойиш қилиш (демонстрация) асосида дарс жараёнини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Демонстрациялотинча сўз бўлиб кўрсатаман, исботлайман деган маъноларни билдиради. Бу усулдан фойдаланишдан мақсад ўқувчиларни билимга қизиқишларини сўндириб, ўқишдан чарчатиб, зада қилиб қўймаслик учун, ўтилаётган мавзунинг физик моҳиятини тушунтиришда тажрибалар орқали кўрсатиш ва физик асборлар билан танишириб бориш, ўқувчиларни дарсни ўзлаштиришларида юқори ижобий

натижаларга эришилади². Ўқувчилар ўқув жараёнида зарурий билим, кўникма ва малакага эга бўлмай туриб бирон бир тажрибанинг физик мазмунини тушунтириб бера олмайдилар. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир мавзуни иложи борича қизиқарли қилиб амалий тажрибалар ўтказиш асосида тушунтириши зарур. Физика фанининг "магнит майдони" мавзусининг кириш қисмида буюк аллома ва мутафаккир Абу Райхон Берунийнинг оҳанграбо (магнит)нинг хоссалари бўйича олиб борган изланишлари ҳақида ўқувчиларга тушунчалар бериш билан бирга намойиш қилиш усулидан фойдаланиш яхши самара беради³.

Бунда ўқитувчи ўқувчиларга фақат оғзаки тушунчалар орқали мавзуни таниширибгина қолмай, балки мавзуни турли хил тажрибалар ёрдамида кенг ёритиб беради. Бу педагогик метод асосида ўқувчиларнинг билим даражасини ошириш, фанни чуқурроқ ўзлаштириш ҳамда уларнинг билимларини таҳлил қилиш имкони беради. Ўқувчиларда физика фанидаги билимларни шакллантириш учун уларга ҳақиқий ҳаёт тажрибаларга асосланган кўргазмали тажрибаларни намойиш қилиш асосида саволлар беришни ташкил қилиш керак. Бундай саволлар билан ўқувчилар диққатини тегишли мавзуга қаратади олинмаса, ўқувчиларнинг ўтилган мавзуни яхши ўзлаштира олмасликларига сабаб бўлади.

Синфа ўқувчилар ўзаро мунозаралар ёрдамида турли хил физик қонуниятларнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилиб ўзлари таъриф берган қонунларни тажриба орқали исботлашга интиладилар. Бунинг асносида ўқувчиларни физика фанига нисбатан қизиқишлари янада ортади. Мисол учун ўқитувчи магнит бўлагини олиб ўқувчилардан шу магнит бўлагига темир кукуни сепилса қандай кўриниш ҳосил бўлади деб сўрайди. Ўқувчилар магнит майдони ҳақидаги тасаввурларини чизмалар ва ёзма матнлар асосида тушунтиришга ҳаракат қиласидилар.

² Қодиров М., Ўроқов Ш., Низомов Х. Умумтаълим мактабларида физика фанини ўқитиш. – Самарқанд: 2014. - 12-13 б.

³ Зикриллаев Н., Уракова Ф. Абу Райхон Берунийнинг физика соҳасидаги илмий асарларидан таълим жараёнида фойдаланиш. –Тошкент: 2022. - 6-7 б.

¹ Махмудова Х. Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси ўқув-услубий мажмуаси. – Тошкент: 2016. - 14-24 б.

1-жадвал. Ўқувчиларнинг ўтилган мавзуни ўзлаштиришининг назорат саволига ўқувчиларнинг жавоблари

№	Ўқувчиларга берилган савол:	Жавоблар сони
	Агар магнитга темир чанг сепсангиз, қандай ҳолатлар кузатилади?	
1.	Ўқувчилар томонидан берилган жавоблар:	
1.	Темир моддасининг зарралари думалоқ чизиқларни ҳосил қиласди.	8
2.	Темир моддасининг зарралари қутблардан чиқадиган чизиқларни ҳосил қиласди.	5
3.	Темир моддасининг зарралари қутбларда тўпланиб, магнит майдон чизиқларини ҳосил қиласди.	5
4.	Темир моддасининг зарралари симметрик чизиқлар ҳосил қилиб магнит майдонининг охирига ўтади.	5
5.	Темир моддасининг зарралари умуман бир-бирига ёпишиб қолади.	3
6.	Темир моддасининг зарралари камдан-кам холларда магнитнинг ўртасида йиғилади.	12

Ўқитувчи ўқувчиларнинг шахсий фикрларини тинглайди ва бошқа ўқувчиларнинг фикрлари билан ўзаро солиштиришга имкон беради. Ўқитувчи мавзу бўйича ўқувчиларга бир нечта саволлар билан мурожаат қиласди ва берилган саволга оид ўқувчиларнинг фикрларини жамлайди (1-жадвал).

Хуласа. Ўқувчилар ўтилган дарсда олган билимлари асосида ўз фикрларини магнит ва темир кукуни ёрдамида тажриба ўтказиб текширадилар ҳамда берган фикрларини қанчалик тўғри эканлигини ўzlари бажарган тажриба натижаларига солиштириб якуний хуласага келадилар.

Ўқитувчи мавзуни ўтиб бўлгач, ўқувчилар диққатини жалб қилиш ва мавзу бўйича ўзлаштириш натижаларини аниқлаш мақсадида "Магнит ёки магнитлаш нима", "Беруний моддаларни қандай магнитлаштирган", "Магнитдан кундалик ҳаётимизда қандай фойдаланамиз", "Беруний ўз тажрибасида темирни ўрнига пўлатни қўйиб текширишни нега афзалроқ ҳисоблаган?", "Беруний магнит қутбларининг ўзаро таъсирини қандай усуслар орқали аниқлаган?" каби саволлар бериб ўқувчиларнинг дарс давомида олинган билимларини ўзлаштириш кўрсатгичларини аниқлаб олади.

Ўқувчиларнинг мавзу бўйича ўтказган тажрибалари бўйича шахсий фикрлари тингланади. Ҳар бир ўқувчини навбат-навбат ўз фикрини синфдаги ўқувчилар билан муҳокама қилиши ташкил этилади. Ўқувчилар фикрларини оддий тажрибалар ёрдамида тушунтиришларига шароит яратилади.

Ўқувчилар олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш асосида мустаҳкамлайдилар, шахсий фикрларини мунозараларда асослашга интиладилар ва ҳимоя қиласдилар бу ўз навбатида ўтилган

дарсда фойдаланилган педагогик усул асосида ижобий натижаларга эришишга олиб келади.

Кузатишлардан маълум бўлдики, ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкам бўлишида ўқитувчининг кўрсатмаларига амал қилишлари, бир-бирларига фанни ўзлаштиришда ёрдам беришлари, турли ўзаро тафовутли фикрларга эътибор қилишлари, тажриба ўтказишга иштиёқли бўлишлари ва физик хусусиятларни чуқурроқ тушуниб олишларига сабаб бўлади.

Ўқувчилар тажриба натижаларининг таҳлилини кенгроқ фикрлашларида юзага келган қийинчиликларни енгиб ўтиб мустаҳкил хуласалар бера олсалар, улар берилган саволларга ижобий жавоб бера оладилар. Бунинг асосида ўқувчиларнинг кундалик ҳаётда учраши мумкин бўлган муаммоларни мустаҳкил ва илмий асосда ҳал қилиш қобилияtlари шаклланади.

Таклифлар.

Ўтилаётган дарс мавзуси бўйича ўқувчилар тажриба ўтказишлари учун керакли шартшароитларни яратиш (лаборатория қурилмалари, намойиш материаллари).

Ўтилган мавзу бўйича ўқувчиларга кундалик ҳаёт тажрибасига асосланган саволларни бериш орқали уларнинг диққатини тегишли мавзуга қаратиш.

Ўқувчилар олган билимларини намойиш қилишларини ташкил қилишлари учун имконият бериш.

Дарс жараёнини замонавий педагогик методларни қўллаган ҳолда ташкил этиш.

Физика фанини самарали ўқитиш ва юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд фан дастури ва дарслекларни кўриб чиқиб, керакли ўзгаришлар киритиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 5 апрель куни ўтказилган видеоселектор. // "Янги Ўзбекистон" ижтимоий-сиёсий газета, 2022 йил 6 апрель, 68-сон.
2. Айкан ва Юму Ак. Ўрта мактаб ўқув дастурида физика мавзуларини тушуниш даражалари. Миллий эйтим дергиси 159-179. 2003.
3. Боздоан ва Ёлчин. Бошланғич фанлар курси тажрибаларининг частотасини аниқлаш ва дуч келган муаммолар. Gazi Universiteti Kir ehir Eitim Fakultesi dergisi 1:59-70.2004.
4. Усмонов Т. Физика VI-IX (синфлар учун дарсликка қўшимча) Астрономия-9 (коинот физикаси). - Тошкент 2002, 27-28 б.
5. Махмудова Х. Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси ўқув-услубий мажмуаси. – Тошкент: 2016. - 14-24 б.
6. Кодиров М., Ўроқов Ш., Низомов Х. Умумтаълим мактабларида физика фанини ўқитиш. – Самарқанд: 2014. - 12-13 б.
7. Зикриллаев Н., Уракова Ф. Абу Райхон Берунийнинг физика соҳасидаги илмий асарларидан таълим жараёнида фойдаланиш. –Тошкент: 2022. - 6-7 б.
8. Зикриллаев Ф., Берунийнинг физика соҳасидаги ишлари. –Тошкент: 1973. - 16-17 б.